

Уккоша бу борада сендан ўзиб кетди



11:30 / 02.01.2022 2983

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Албатта, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Умматимдан етмиш минг киши ҳисоб қилинмасдан жаннатга кирадилар» дедилар.

Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин» деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Аллоҳим! Уни ўшалардан қилгин!» – дедилар. Кейин яна бир киши ўрnidан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин» деди. Шунда у зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Уккоша бу борада сендан ўзиб кетди» деб марҳамат қилдилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Ушбу ҳадисдан бу фойдаларни оламиз:

1. Яхшиликка шошилиш, мусобақа қилиш, кеч қолмаслик зарурлиги. Яхшилик борасида секинлашиш эса фойдадан маҳрум бўлишга, орзуга етолмасликка, мақсадга етишиш кечикишига, фурсат қўлдан бой берилишига сабаб бўлади.

2. Яхшиликка уринган, шошилган кишини мукофотлаш.

3. Солиҳ амалларга шошилувчиларни алоҳида зикр қилиш.

4. Мукофот амалдан кейин бўлади. Уккоша розияллоҳу анҳу унгача кўп амал қилган, барча жанглarda қатнашган эдилар. Аллоҳ таоло Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларига мазкур ҳадисни Уккоша розияллоҳу анҳу борликларида жорий қилдилар, Уккошага эса тезкорлик билан фурсатни ғанимат билишни насиб этиб, сўнггида мукофотни ато этди.

5. Жавоб беришдаги лутф, мулойимлик. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи сўраган кишига «Сен лойиқ эмассан», «Сен муносиб эмассан» демадилар. Балки унинг кўнглига ботмайдиган қилиб, «Уккоша бу борада сендан ўзиб кетди» дедилар ва бу билан қайта сўраш эшигини беркитдилар.

6. «Ўзиб кетди» деган сўз билан яхшилик масаласида мусобақалашиш кераклигини баён этдилар.

7. Мусобақада ютган кишининг исмини эслатиб, бошқаларга намуна қилиш. Уккоша деб эълон қилдилар.

Уккоша розияллоҳу анҳуга чин юракдан ҳавас қилдим. Чунки, Жаннатга ҳисобсиз кириш ҳақидаги ҳадисни эшитган Уккоша розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзларини ҳам ўшандай бахтли инсонлардан қилишини Аллоҳ таолодан сўраб беришларини илтимос қилдилар ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у киши истаган дуони қилдилар.

Аллоҳ таоло бизни ҳам ана шу ҳисобсиз жаннатга кирувчилар сафида қилсин!

Интернет маълумотлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади